



**ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ ҚИМОР ВА
ТАВАККАЛЧИЛИККА АСОСЛАНГАН УЙИНЛАР БИЛАН БОҒЛИҚ
ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
АКАДЕМИЯСИ КУРСАНТИ**

ТОЛИБОВ МУХТОР АНВАР ЎҒЛИ

E-mail: muxtortoliboyev357@gmail.com

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада профилактика инспекторларининг қимор ва таваккалчиликка асосланган уйинлар билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар профилактикасини, уни ташкил этиш ва қимор ва таваккалчиликка асосланган уйинлар билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларга қарши курашда профилактика аҳамияти ва ўзига ҳос томонлари ҳақида мақоламизда тўлиқроқ маълумот берилади.

Калит сўзлар: қимор, тавалкашлик, қимор уйинлар, ҳуқуқбузарлик, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси.

**ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ ИНСПЕКТОРА ПО ПРОФИЛАКТИКЕ
ПРЕСТУПЛЕНИЙ, СВЯЗАННЫХ С КРАЖАМИ**

АННОТАЦИЯ

В этой статье мы дадим более полный обзор деятельности инспекторов по профилактике нарушений, связанных с азартными играми и жильем, связанным с риском, о важности профилактики в борьбе с нарушениями, связанными с ее организацией и ассоциацией с азартными играми и жильем, связанным с риском, а также о ее собственных аспектах в нашей статье.

Ключевые слова. азартные игры, риск, игорные дома, преступность, профилактика преступности.



Инсоният қадим замонлардан бошлаб бунёдкорлик ғоялари асосида олдинга қадам ташлаб ривожлана бошлаган. Жамиятда шундай қатламлар ҳам борки жамиятни олди илдамлачига, тубанликга олиб борадиган иллатлар ҳам афсуски йуқ эмас. Шундан иллатлардан бири – қимордир. Бундан ташқари охириги пайтларда қимор ҳақида гап сўзлар кўпайиб кетди. Ютуқли телеўйинлар ортидан қиморнинг қонунийсини ўйнаш мумкинми деган саволлар келиб чиқяпти. Шу туфайли қимор ва унга доир баъзи ҳукмларни ёритишга қасд қилинди. Қимор¹ - деб бир одам бошқасидан ўйинда шарт қилинган нарсани олишига айтилади. Мағлубларнинг молидан ғолибга берилиши шарт қилинган ҳар қандай ўйинга “қимор” деб айтилади. Қиморга инсонлар кам фурсат ичида тез ва асон пул топиш мақсадида қимор ва бошқа таваккалшиликка асосланган ўйинларни ўйнашга берилиб кетмоқдалар.

Шифокорлар қимор оламига қадам босишнинг уч сабабларини келтирадилар:

- инсоннинг маънавий даражасининг пастлиги;
- ночорлик;
- руҳан изтироб чекиш.

Ашаддий ўйинчилар уйқу ва таомсиз ҳам кунлаб қимор ўйнашлари мумкин. Натижада, уларда депрессия, руҳий фаолиятнинг бузилиши кузатилиб, инсон танасини аста-секин тубдан емиради.

Ҳозирги кунда чўнтагида 3-4 сўм пули бор бўлган мактаб ёшидаги ўсмирлардан то нафақадаги кишиларгача “омад кулиб қолар”, дея лотерея чипталарини сотиб олаётганлар кўпчиликни ташкил қилади. Бир кишининг “омади” туфайли миллионлаб кишилар ўзларини “омадсиз”, деб ҳисоблайдилар.

Араб тилидаги “майсир” сўзининг ўзаги “юср” бўлиб, “енгиллик” деган маънони билдиради. Чунки ушбу ўйинда бошқа бир инсонларнинг молини осон усулда қўлга киритиш мавжуд. Шу сабабдан ҳозирги кундаги ютуқли лотереянинг барча турлари карта, нарда ва куч ишлатишга ёки қимор ва пул ютуқларига чақирадиган барча ўйинлар қатъиян ҳаром қилинган. Ҳар бир ўйинда бир томоннинг фойдаси кўзланиб, иккинчи томоннинг зарари вужудга келадиган ҳамда афсус-надоматларга олиб борадиган унсурлар бор экан, у қимор деб эътибор қилинади.

¹ <https://ahlisunna.uz/qimor/> аллома Саййид шариф Журжоний икки хил таърифи



Бир мушоҳада қилиб кўринг, қимор инсонни нималарга олиб борапти: бағрига босиб оқ сут берган, ўзи емай едирган, уйқусиз тунларини фарзандига бағишлаган онага ким қўл кўтаряпти, ким уни жонига қасд қиляпти? Маълумки, қиморхоналарда кунига миллионлаб пуллар бир чўнтақдан бошқа бирига ҳеч қийинчиликсиз ўтиб қолади. Мисқоллаб йиғилган жамғарма сонияларда ҳавога совурилади. Уй-жой, машиналар тортиб олинади. Бир лаҳзада бор-будидан айрилган инсон масаланинг ягона ечими деб, ўз жонига қасд қилади. Ушбу “фойдали ўйин” орқали бир тоифа инсонлар қайноқ кўз-ёшлар, бошқаларнинг ҳасрат-надоматлари эвазига ер юзида ўзлари учун “жаннат” куриб оладилар. Ҳолбуки, Аллоҳ таоло Бақара сурасининг 188 оятида: “Бир-бирларингизнинг молларингизни ботил йўл билан еманг. Билиб туриб одамларнинг молларидан бир қисмини ейишингиз учун уни ҳокимларга гуноҳқорона ташламанг”, дейилган. Имом Қуртубий деганларки: “Оятдаги “ботил йўл билан емаслик”ка ҳаромнинг барча турлари киради. Қимор, алдамчилик, ҳаром нарсаларни сотиб мол топишлик, ҳаром касбларни қилиб мол топишлик ва бошқалар”²

Ўзбекистон Республикаси айрим қонунчиликларида ушбу тушунчаларга таъриф берилган. «Қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйин — ўйин ташкилотчиси (ўйин муассасаси) томонидан бир ёки ундан ортиқ иштирокчилар билан тасодифга (воқеага) ва (ёки) ўйин иштирокчисининг қобилияти, эпчиллиги ва бошқа сифатларига боғлиқ ютуқ тўғрисида тузилган, таваккалчиликка асосланган битимга мувофиқ ўйин ташкилотчилари ва иштирокчиларининг хатти-ҳаракатлари мажмуини назарда тутувчи ўйин, шу жумладан тотализаторлар, казино, шунингдек ўйин автоматларидан фойдаланиладиган ўйин»³. Ушбу фаолият билан шуғилланишга Ўзбекистон Республикаси айрим қонунчиликлари билан жавобгарлик белгилаб ўтилган. Бундан ташқари жамиятда вояга етмаганларни қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларга жалб қилиш ҳолатлари ҳам учраб тўради.

² Қиморнинг турлари “Таҳфизул Қуръон” кафедраси ўқитувчиси Исломхон Убайдуллаев

³ Қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ташкил этиш ҳамда ўтказишни тартибга солиш муносабати билан ўзбекистон республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида Қонуни



Вояга етмаган шахсни қимор ва таваккалчиликка асосланган ўйиниғ жалб қилишда уларни парокандаликка, қарздорликка олиб келади. Шу сабабдан маҳалла ҳуқуқ тартибот масканида профилактика инспектори томонидан қимор ва таваккалчиликка асосланган ўйинларни ташкил этиш жойлари ва унда иштирок етган шахсларни аниқлаш, унга қарши профилактик чора тадбирларни олиб борилади. Профилактика инспекторлари томонидан эса умумий ҳуқуқбузарликлар профилактикаси олиб борилади. **Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси** — ҳуқуқ-тартиботни сақлаш ҳамда мустаҳкамлаш, ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, уларга барҳам бериш, шунингдек ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш мақсадида қўлланиладиган ҳуқуқбузарликлар умумий, махсус, яқка тартибдаги ва виқтимологик профилактикасининг ҳуқуқий, ижтимоий, ташкилий ва бошқа чора-тадбирлари тизими;

Профилактика инспектори маҳалла ҳуқуқ тартибот масканида фаолияти давомида қимор ва таваккалчиликка асосланган ўйинларга қарши курашда биринчи навбатда маҳаллада қимор ва таваккалчилик ташкил этилиши юқори бўлган жойлар ва шахсларга этибор қаратиши лозим. Қимор ва таваккалчиликка асосланган ўйинлар ташкил этилиши юқори бўлган жойларда патруллик йуналишларини ташкил қилиш, камералар ўрнатиши, хонадонларга текштрив остига олтиш ва бошқа турдаги усуллар орқалигина эришиши мумкин. Хозирги кунда Интернет ижтимоий тармоқларида ҳам қимор ва таваккалчиликка асосланган ўйинлар тури ва сони кундан кунга тезлик билан ошиб бормоқда. Профилактика инспекторлари ҳам ушбу фаолиятни амалга оширишда албатта янги пайдо бўлаётган қимор ва бошқа таваккалчиликка асосланган ўйинлар ҳақиди ўз вақтида хабордор бўлиши лозим. Кундалик ҳаётимизда оддийгина қимор бирор бир жойларда ташкил этилади. Профилактика инспекторлари томонидан ўз вақтида олиб борилган профилактика натижасида қимор ва таваккалчиликка асосланган ўйинларни ташкил этилиши сабаб ва шарт-шароитлари ўрганилиб, бартараф этиш чоралари кўрилади. Масалан ишсизларни иш билан таъминлаш, вояга етмаган шахсларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, тунги пайтларда патруллик йуналишларини ташкил этиш ва бошқа шук каби чора тадбирларни амалга ошириш орқали содир этилиш сабаблари бартараф этилиши мумкин.



ФОЙДАЛАНГАН АДАБИЁТЛАР:

1. <https://ahlisunna.uz/qimor/> аллома Саййид шариф Журжоний икки хил таърифи
2. Қиморнинг турлари “Таҳфизул Қуръон” кафедраси ўқитувчиси Исломхон Убайдуллаев
3. Қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ташкил этиш ҳамда ўтказишни тартибга солиш муносабати билан Ўзбекистон республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида Қонуни
4. Мухамедов Ў.Х. Ҳаракатлар стратегияси асосида ички ишлар органлари тизимидаги ислохотлар: биринчи босқич яқунлари ва истиқболдаги вазифалар // Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг ахборотномаси. – 2017. – № 4. – Б. 5, 10.
5. <https://lex.uz/docs/2387357> 3-боб. Ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикаси 23-модда. Ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикаси чора-тадбирлари
6. 5. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси -Т 2021
7. 6. Ўзбекистон Республикасининг Ма’мурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекси. Расмий нашр. – Т.: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 2021.
8. 7. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонуни.
9. 8. Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16 сентябрдаги “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги қонуни.
- 10.9.Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича “Ҳаракатлар стратегияси” тўғрисида”ги 4947-сонли фармони.